


Ҳиндистон маржон тошли масжидни сақлаб қолишга ёрдам беради



02:10 / 11.06.2019 2113

Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Муди сайловлардаги муваффақиятидан сўнг, Бош вазир сифатидаги биринчи сафарини қўшни Мальдив Республикасидан бошлади. Бу ҳақда The Times of India нашри хабар беради.

Бош вазир Мальдив Республикаси пойтахти Малега қилган сафарида мамлакат Парламентида нутқ сўзлаган. У мамлакатдаги қадимий ва айни пайтда таъмирлашга муҳтож бўлиб турган тарихий масжид ҳақида сўзлаб: «Маржон тошларидан барпо этилган «Ҳуқури Миски» (Жума масжиди) дунёда мисли йўқ тарихий обида ҳисобланади», деган ва уни сақлаб қолишга Ҳиндистон томонидан ёрдам берилишини маълум қилган. Мале шаҳридаги ушбу масжид 1658 йилда ёғоч ва маржон тошларидан барпо этилган. Масжид 2008 йилда UNESCO ҳимоясига киритилган.

Islom.uz портали таҳририяти